

Информатика ва табиий фанлар кафедраси

Маъруза №5.

Маълумотларни ишлов беришнинг информацион технологиялари

РЕЖА:

- 1. Хarakterистикаси ва вазифаси.*
- 2. Асосий тузилмалари.*

Тошкент-2013


Маълумотларни ишлов бериш
информацион технологияси **ЯХШИ**
формаллаштирилмаган масалаларни ҳал
этиш учун мўлжалланган.

Ушбу масалаларда бошланғич зарурий
маълумотлар берилган ва **алгоритмлари**
олдидан ишлаб чиқилган деб ҳисобланади.

Ушбу технология операциялар (ижрочилар)
фаолият даражасида қўлланилади. Бу
технология асосан бошқарув меҳнатида
доимо такрорланадиган амалларни
автоматлаштириш мақсадида малакаси
юқори бўлмаган ташкилот ходимларига
мўлжалланган.

Информацион технологиялар асосида ўқув жараёнини бошқаришнинг интеллектуал тизими схемаси

Мисол



Оператив фаолият даражасида қуйидаги масалалар ҳал этилади:

1. **Фирма бажарадиган фаолият турлари ҳақидаги маълумотларни ишлов бериш**
2. **Фирманинг иш ҳолати ҳақида даврий назорат ҳисоботларини яратиш**
3. **Ҳар қандай мумкин бўлган жорий сўровларга жавоб олиш ва уларни қоғозда ҳужжат ёки ҳисобот сифатида расмийлаштириш.**

Si

**Локал тармоқ тугунида танланган фан бўйича Si-
таълим олувчи**

1-мавзу бўйича
N; A; L.

2-мавзу бўйича
N; A; L.

3-мавзу бўйича
N; A; L.

o o o

N-мавзу бўйича
N; A; L.

Ti

Машғулот тури бўйича назорат ўтказувчи модуль

1-мавзу


2-мавзу

3-мавзу

o o o o

N-мавзу

Олинган натижаларни бошқарув тугунига узатувчи модуль



Маълумотларни йиғиш. Фирма махсулот ишлаб чиқарилиши ёки хизмат кўрсатиши биланоқ, унинг ҳар бир ҳаракати мос маълумотлар ёзуви билан муҳрланади. Одатда ташқи атроф муҳитни жалб этувчи фирманинг ҳатти-ҳаракати фирма бажарадиган амал сифати махсус ажратилади.

Берилган маълумотларни ишлов бериш. Фирма фаолияти ҳақида келиб тушадиган маълумотлардан фойдаланиш қуйидаги намунавий амаллар бажариш билан боғлиқ.

Классификациялаш ва гуруҳлаш. Дастлабки маълумотлар одатда битта ёки бир нечта белгилардан таркиб топган кодлар кўринишида бўлади. Ушбу кодлар объектларнинг муайян аломатларини белгилаб, езувларни гуруҳлаш ва аниқлаш (идентификация) учун фойдаланилади.

Мисол. Маошни ҳисоблашда ҳар бир ёзув ходимнинг коди, у ишлайдиган бўлим коди, эгаллаган лавозими ва ҳ.к. ўз ичига олади.

Ушбу кодларга кўра, ҳар хил гуруҳлашни амалга ошириш мумкин.

Арифметик ва мантиқий амаллардан таркиб топган **ҳисоблашлар**. Берилган маълумотлар устида бажариладиган ушбу амаллар, янги маълумотларни олишга имкон беради.

Маълумотлар миқдорини **камайтириш** учун хизмат қиладиган формалардаги **натижавий ҳисоботлар** ва **ўрта қийматларни акс этирувчи** “катталаштириш”

Берилган маълумотларни сақлаш.

Операцион фаолият даражасидаги аксарият маълумотларни келгусида ёки навбатдаги даражаларда фойдаланиш мақсадида сақлаш зарур.

Ҳисоботларни яратиш (ҳужжатлар).

Берилаган маълумотларни ишлов бериш инфор­мацион технологиясида раҳбарият ва фирма ходимлари, ҳамда бошқа ҳамкорлар учун ҳужжатлар яратиш лозим. Бунда ҳужжатлар сўров ёки фирма ўтказган операцияларга кўра ёки ҳар ойнинг, кварталнинг, йилнинг охирида даврий тарзда яратилиши мумкин.

Назорат саволлари:

1. Берилган маълумотларни ишлов берувчи информацион технологиянинг характеристикаси ва вазифалари ҳақида гапириб беринг.
2. Берилган маълумотларни ишлов берувчи информацион технологиянинг асосий ясовчиларини тавсифлаб беринг.
3. Зерикарли, такрорланувчи амалларга мисоллар келтиринг.